



Бухоро хаттотлик мактаби

А.Абдуллаев

Тошкент ислом институти

“Тиллар” кафедраси ўқитувчиси

Аннотация: Бу хат “Насхи Мир Убайдий” ёхуд “Насхи Бухорий” деб аталган. Дарҳақиқат, ушбу хат мафтункорлиги ва жозибадорлиги билан бошқа хат турларидан ажралиб туради. Бу хат билан Мир Убайд Бухорийнинг довуғи ва таърифи тез орада бутун Ўрта Осиё бўйлаб кенг тарқалган. Шу тариқа ушбу хатнинг ихлосмандлари ва ҳаваскорлари ҳам кўпайиб кетган. Қуръони карим нусхалари ва саловотлар асосан шу хатда кўчириладиган бўлди.

Калит сўзлар: Абул-Ҳафс Кабир Бухорий, Мир Али Табризий, Мир Убайд Бухорий, Насхи Бухорий, Мир Иброҳим, Мир Шафё, Куфий, риқоъ, сулс ва насх.

Бухоро хаттотлик мактаби тарихини Ислом динининг Бухорога илк кириб келиши билан боғлаш мумкин. Исломнинг биринчи асридан бошланган ва IX, X, XI асрларда, кейин Амир Темур замонида, ундан кейин Абдуллохон замонида хат ривожланган¹. Чунки Ислом динининг манбаси бўлмиш Мусҳафи шариф² араб тилида бўлиб, уни бошқа миллатнинг ҳарфлари билан ифодалашнинг умуман иложи йўқ. Маълумки, араб тилида тўртта “з” товушлари бўлиб талаффузда улар бир-биридан фарқ қиларди. Шунингдек, учта “с”, иккита “х”, иккита “т” товушлари ҳам фарқли эди. Қуръони каримни фақат араб алифбосидагина ўқиш мумкин. Чунки ибодатларда айтиладиган оят, зикр ва дуолар араб тилида. Бу эса ўз-ўзидан шу тил ва ёзувини ўрганиш эҳтиёжини келтириб чиқарди. Тез орада Ислом динини чуқур

¹ Хаттот Раззоқов Абдулғофир Бухорий берган маълумот.

² Яъни Қуръони карим.



ўзлаштириш учун бухоролик ёш йигитлар Макка, Мадина, Куфа, Боғдод, Шом каби араб диёрларига илм излаб сафарлар қилдилар ва мужтаҳид даражасиги етган буюк олимлар бўлиб қайтиб келдилар. Жумладан, Абул-Ҳафс Кабир Бухорий (раҳматуллоҳи алайҳ), Имоми Аъзам Нўъмон ибн Собитнинг (раҳматуллоҳи алайҳ) шогирди Имом Муҳаммад Аш-Шайбонийдан дарс олиб мужтаҳид олим бўлдилар. Яъни Имоми Аъзамга набира шогирд эдилар. Шунингдек, муҳаддислар султони Имом Бухорийнинг бутун ҳаёти, фаолияти ҳам асосан ҳадис йиғиш учун араб диёрларида сафар билан ўтди. Ўша даврда Абул Ҳафс Кабир, Имом Бухорий каби олимлар жуда кўп бўлиб, улар араб тилида ижод қилганлар. Тарихни кузатар эканмиз IX-XII асрлар Мовароуннаҳрда яшаб ижод этган барча алломалар ўз асарларини араб тилида ёзганларининг гувоҳи бўламиз. Асарларни муаллифларнинг ўзлари ёзар эдилар. Ўша даврда китоблардан нусха олишнинг ягона йўли қўлда кўчириш эди. Шу эҳтиёждан келиб чиқиб, шу иш билан шуғулланадиган алоҳида хаттотлар синфи ривожлана бошлади. Чунки илм-маърифат юксалиб боргани сари илмий манбааларга, китобларга эҳтиёж ошиб кетди. Китоблар энг қимматли бойлик ҳисобланар, айниқса, ҳукмдорларнинг катта-катта кутубхоналари барпо бўлган эди. Бу асрлар “олтин аср” деб номланди. Чингизхон босқинида бебаҳо дурдоналар бўлмиш ёзма асарлар йўқ қилинди, кутубхоналарга ўт қўйилди, китоб сақланадиган сандиклар босқинчиларнинг отларига ем бериладиган охир қилинди.

Мактабнинг ўзига хос хусусияти шундан иборатки, бу ерда, асосан, XIV асрда Мир Али Табризий яратган настаълиқ хат услуби Султон Али томонидан такомиллаштирилади. Бу услуб йирик ва майда настаълиқ китобат ишларида кенг қўлланилиб, бадий ва тарихий асарлар фақат настаълиқ хатида китобат қилинган. Диний ва баъзи илмий асарлар эса насх хатида кўчирилган. Куфий, рикъоъ, сулс ва насх хатлари эса кўпроқ меъморчилик, наққошлик санъатида ва Шарқ эпиграфиясида ишлатилган. XVI асрда Темурийлар салтанати инқирозга юз тутиб, сиёсий



хукмронлик шайбонийлар қўлига ўтиши билан Бухорода маданий ҳаёт маълум даражада тараққий топади. Ҳирот хаттотлари, рассомлари ва маданият арбобларидан бир қисми Бухорога келади. У ерда Бухоронинг ўзига хос бўлган янгича китобат ва ҳуснихат санъати ривож топади. XVI ва XVII асрларда яшаб ижод этган Бухоро хаттотлари ҳуснихат бобида ўзига хос услуб – Бухоро хаттотлик мактабини яратадилар.³

Шайбонийлар давлатларига пойтахт этиб Бухоро шаҳрини ихтиёр қилдилар. Айтиш мумкинки, Бухоро иккинчи марта ўз даврининг тенгсиз марказига айланди. Чунки тарихдан бугунги кунгача маълумки қайси шаҳар пойтахт бўлса, ўша ерда илмий муҳитнинг ривожланиши юқори бўлади. Амир Убайдуллохоннинг⁴ ташаббуси билан пойтахтга уста ҳунармандлар, олимлар, шунингдек, энг моҳир хаттотлар жалб қилинди. Бу эса ўзининг амалий натижасини берди.

Мир Убайд Бухорий (ваф. 1601 й.) XVI–XVII асрларда яшаб ижод қилган, насх хати асосида янги хат равиши “Насхи Бухорий” (“Мир Убайд”) хатининг ихтирочиси⁵.

Мир Убайд Бухорода таваллуд топган, ёшлигиданок илм-маърифатга интилиб, ўз даврининг забардаст олими даражасига кўтарилган, амир Убайдуллохон⁶(1533-1539) саройида бош мунший бўлган. Ўша даврнинг талабларига биноан бундай лавозимга тайинланган киши араб, форс ва ўзбек тилларини мукаммал билиши, мумтоз шоирлар ва муаррихларнинг, давлат ва жамоат арбобларининг сийрати ва меросидан, шунингдек, тафсир, ҳадис ва фикҳ

³ Муродов А. Ўрта Осиё хаттотлик санъати тарихидан. Тошкент. Фан. 1971. Б. 48.

⁴ 1512 йилдан бошлаб Бухоронинг ноиби бўлиб турган Убайдуллохон Самарқандни бошқариб турган Кўчкичхон авлодлари билан ораси ёмонлиги туфайли ҳокимиятни Бухородан туриб бошқарди. Бухоро мамлакатнинг сиёсий-маъмурий марказига айланди. Бухоро расман хонлик сифатида Шайбонийлардан бўлган Абдуллохон II даврида 1557 йилда вужудга келди. Абдуллохон 1557-1598 йилда ҳукмронлик қилди.

⁵ Абдулғафур Раззоқ Бухорий. Ҳуснихат дурдоналари (Настаълиқ хати қоидалари) Тошкент. Мовароуннаҳр. 2008. Б. 6

⁶ Қаранг: Ўзбекистон тарихи Тошкент. Фан. 2007. босма табоғи 6,4.



илмларининг сир-асрорларидан бекаму кўст бохабар бўлиши шарт эди. Мана шу хислатлар Мир Убайд Бухорийда мужассам бўлган. Бухоро амири Убайдуллоҳхон, шоир ва давлат арбоби сифатида, Мир Убайд Бухорийни жуда эъзозлар, ўзининг уч тилда ёзилган шеърый девонини кўчиришни Мир Убайд Бухорийга ишониб топширган эди. Убайдуллоҳхон девонининг Туркиядаги нуқсонли қўлёзмасини инобатга олмаганда, дунё миқёсида нодир нусха ҳисобланадиган ўша асарнинг бирдан-бир қўлёзмаси Тошкентдаги ЎзФАШИ Фондида сақланади⁷.

Убайдуллоҳхон хазинада сақланаётган катта дур-гавҳарларни, кўпинча, Мир Убайд Бухорийга хизмат эвазига ҳадя қилар эди. Шу сабабдан унга “Луълу” тахаллуси берилган эди.⁸ Уни Луълу ва Жавоҳиррақам деб ҳам атаганлар.

Мир Убайд атоқли, номдор хаттот Муҳаммадамин Бухорий Халвоийнинг (ваф.1543й.) шогирдларидан бўлган. Устози у ёзган хатнинг гўзаллигига қойил қолар эди. Истеъдодли хаттот Мир Убайд устозининг тутган равишини ўзгартириб, энг гўзал усулда ёза бошлади. Бу хат насх хатидан кўра каттароқ (йирикроқ) бўлиб, у жозибadorлиги ва мўъжизакорлиги, айниқса, ёшу қари бир хилда қийналмай ўқий олиши билан ҳар қандай кишини ҳам ўзига мафтун этади.⁹

Шу ўринда устоз Мирза Муҳаммаджон Низомийнинг Мир Убайд Бухорийнинг таржимаи ҳолига оид устозидан эшитган бир ривоятни эътиборингизга ҳавола қиламиз: “Мир Убайд Бухорий кўп китобат қилар, доимо кўнглида чиройли хат битишни ва унинг янги шаклини ихтиро қилишни орзу қилар эди. Кунлардан бир кун тушида пайғамбаримиз Муҳаммадни (с.а.в.) кўрган. У кишини зиёрат қилиб, “Эй охири замон Пайғамбари, менга бир марҳамат кўрсатинг. Фазилатингиз ва

⁷ Убайдуллоҳхон. Девони Убайдий, ЎзФАШИ, иив № 8931. – Б. 695.

⁸ Абдулғафур Раззоқ Бухорий. Мир Убайд Бухорийнинг мўъжизавий хати билан кўчирилган Қуръони карим. Мақола. Имом ал-Бухорий сабоқлари маънавий-маърифий илмий-адабий журнал. Тошкент.2006. 4-сон. Б. 245.

⁹ Муродов А. Ўрта Осиё хаттотлик санъати тарихидан. Тошкент. Фан. 1971.



барокатингиз ниҳоятда улуғ, сизга юборилган илоҳий Қуръони каримни чиройли хат билан кўчиришни менга Аллоҳ насиб этсин!” дея сўраган. Шунда пайғамбаримиз Муҳаммад (с.а.в.) Мир Убайд Бухорийга бир қалам ҳадя қилиб, “Мана шу қалам сизга совға ва унинг ёрдамида ёзилган хат ҳам сизга илоҳий марҳамат, яъни совғадир”, деб айтган эканлар. Мир Убайд Бухорий уйғонганида, қўлларида совға қилинган қалам турар эди. Мир Убайд Бухорий ўша қалам билан хат ёза бошлаган. Шу тариқа янги бир хат тури пайдо бўлган. Бу олдинги *наسخ*, *райҳоний* ва *сулс* хатларига қараганда ҳам чиройли, *наسخ* хатидан йирикроқ, *сулс* ва *райҳоний* хатларидан бир неча марта кичикроқ ва жозибadorроқ бўлиб, кишини ўз чиройи билан жалб қилувчи бир хат эди. Бу ўзининг ҳусни-жамоли, қадди-камоли ва соддалиги билан одамларни мафтун қиладиган бир мўъжизавий хат эди. Бу хат “Насхи Мир Убайдий” ёхуд “Насхи Бухорий” деб атала бошланади. Дарҳақиқат, ушбу хат мафтункорлиги ва жозибadorлиги билан бошқа хат турларидан ажралиб туради. Бу хат билан Мир Убайд Бухорийнинг доврўғи ва таърифи тез орада бутун Ўрта Осиё бўйлаб кенг тарқалган. Шу тариқа ушбу хатнинг ихлосмандлари ва ҳаваскорлари ҳам кўпайиб кетган. Қуръони карим нусхалари ва саловотлар асосан шу хатда кўчириладиган бўлди.¹⁰ Мана шу вақтгача ҳамма хаттотлар Ибн Муқла ва Ёкут Жазоирининг равиясини тутган эди. Бу икки шайхнинг равияларини¹¹ Бухорода энг мукамал даражагача етказган, шунингдек, энг сўнггиси бу хаттот Муҳаммадамин Ҳалвой бўлиб, юқорида зикр қилганимиздек, бу хаттот Мир Убайднинг устозларидир. Чунки Мир Убайд “наسخи Бухорий”ни ихтиро қилгандан кейин барча хаттотлар унинг равишини жон-диллари билан ихтиёр қилдилар. Чунки бу равишда ёзиш ҳам, уни ўқиш ҳам аввалги насх хатига қараганда осон, содда, энг муҳими ёзиш ва ўқиш жуда қулай эди. Ҳалвой равияси Бухорода амалдан қолди. Бироқ бу усул

¹⁰ Абдулғафур Раззоқ Бухорий. Мир Убайд Бухорийнинг мўъжизавий хати билан кўчирилган Қуръони карим. Мақола. Имом ал-Бухорий сабоқлари маънавий-маърифий илмий-адабий журнал. Тошкент.2006. 4-сон. Б. 245, 246.

¹¹ Муҳаммад Шарифжон Садр-и Зиё. Асомил кутуб (Фехрист).



Афғонистон ва Ҳиндистонда қўлланар эди¹². Мовароуннаҳрда барча хаттотлар Мир Убайдга тақлид қилар эдилар. Ислом дини зоҳир бўлгандан то шу кунгача хат борасида учта ихтирочи яшаб ўтган.

Соҳибқирон Убайдуллоҳ Баҳодирхон Саид Субҳонқулихон ўғлининг даврида уч нафар шахс номига *мир* сўзи қўшиб айтилар эди. Учовлари учта ҳунар бўйича замонасининг бемисл ва беназир, тенгги йўқ усталари эдилар. Учала ҳунар алоҳида-алоҳида фаолият бўлса-да, хаттотлик билан алоқадор. Бирлари Мир Иброҳим бўлиб, у ипак қоғоз ясашда машҳур эди. Иккинчилари – хаттотлик бобида Мир Убайд бўлиб, қоғозга ёзган хатининг гўзаллигига сўз ожиз эди. Учинчилари Мир Шафеъ бўлиб, зийнатли лавҳалар чекишда, нақш чизишда ва қоғозга жадвал тортишда унга тенг келадиганнинг ўзи йўқ эди. Ҳар бирлари ўз ҳунарларида ягона бўлганлар. Лекин Мир Убайд ўз қўли билан ёзган китоблар жуда кам.¹³ Мир Убайд Бухорийнинг шогирдлари жуда кўп бўлган. Қори Мир Файз Бухорий, қори Абдулвоҳид Бухорий, Қори Аҳмад Бухорий, Мирзо Ҳошим Хўжандий, Муҳаммад Эрсорийлар “Насхи Бухорий” хатида Қуръон, “Далоил ул-хайрот”, “Фарзи айн” сингари китобларни, хутбаларни китобат қилганлар. Кейинчалик улар чоп қилиниб (тошбосмада), халқ орасида кенг оммалашган ҳамда севиб ўқиладиган¹⁴.

1965–1966-йиллари мана шу хат асосида Ўзбекистон мусулмонлари идораси (у пайтлар Ўрта Осиё ва Қозоғистон мусулмонлари идораси дейилган) бошчилигида Ҳошим Хўжандий томонидан “Насхи Бухорий” хатида кўчирилган Қуръони карим қайтадан чоп қилинган. Бугунги кунда Мир Убайд томонидан “Насхи Бухорий” хатида китобат қилинган Муҳаммад ибн Саид ал-Бусирийнинг “Қасидаи бурда” асари

¹² Муҳаммад Шарифжон Садр-и Зиё. “Мажмуа”.// Қўлёзма. Ўз ФА ШИ. – №1304

¹³ Воҳидов Ш., Чориев З. Садр-и Зия и его библиотека. Из истории книги и книжной культуры в Бухаре в начале XX века. / Книги, библиотеки, каталоги. Книга 1. Тошкент. Янги аср авлоди. 2007. – С. 352

¹⁴ Абдулғафур Раззок Бухорий. Ҳуснихат дурдоналари (Настаълик хати қоидалари) Тошкент. Мовароуннаҳр. 2008. Б. 6.



Ўзбекистон Фанлар Академияси Шарқшунослик Институти Қўлёзмалар Фондида сақланади¹⁵.

Мир Убайд Бухорий жаҳон хаттотлик санъатида бебаҳо мерос қолдирган. Мир Убайд Бухорийнинг қўлёзма Қуръони Бухорода 40 000 (қирқ минг) тангага баҳоланган. Унинг хати эса мўъжиза деб эътироф этилган.¹⁶

Мир Убайд ихтиро қилган “Насхи Бухорий” хати бошқа насх хатларидан мукамалроқ ва жозибадорлиги, ўқиш осонлиги билан ажралиб турадиган хатдир. Янада тушунарлироқ айтганда бу хат насхнинг қалин ёзилишидир. Бу хат турини дунёга олиб чиқса, фахрланса арзийди. У ўзидан аввалги насх хатларини насх қилган хатдир.

Бу мактаб XVI–XVII асрларда тараққиётнинг янги босқичларига кўтарилади. Бу ерда хаттотлик санъати тез ривожланиб, зарринқалам улуғ хаттотлар етишиб чиқади. Айниқса, ҳукмронлик Шайбонийлар қўлига ўтиши билан Бухорода маданий ҳаёт маълум даражада тараққиёт пиллапоясига кўтарилади. Ҳирот хаттотлари ва мусаввирларидан бир қисми Бухорога келади. Бухоронинг ўзига хос бўлган янгича китобат ва ҳуснихат санъати ривож топади. XVI-XVII асрларда яшаб ижод этган Бухоро хаттотлари ўзига хос услуб – мактабни яратадилар. Тарих саҳифаларида Мир Али Ҳиравий Фатҳободий, Мирзо Исматуллоҳ Мунший, Содик Мунший Жондорий, Мир Маъсум Бухорий, Аваз Бадали Бухорий, Ҳожи Ёдгор, Домло Бобобек, Абдулмажид Махдум Бухорий, Субҳонқули, Муҳаммад Ризо Намадий, Мирзо Мавлон Бухорий, Абдуллоҳ Савдо, Абдулваҳҳобхўжа, Абдулқодирхўжа, Мирзо Муҳаммаджон, Мирзо Исҳоқ каби зарин қалам соҳиблари – моҳир хаттотларнинг номлари тез-тез учраши бунинг ёрқин далилидир. Ўша даврда Бухорода кўфий, сулс, ғубор, насх, настаълиқ хатлари жуда ривожланади.

¹⁵ Муродов А. Ўрта Осиё хаттотлик санъати тарихидан. 173-бет. Тошкент. “Фан” нашриёти, 1971. 10.б.т

¹⁶ Абдулғафур Раззоқ Бухорий. Мир Убайд Бухорийнинг мўъжизавий хати билан кўчирилган Қуръони карим. Мақола. Имом ал-Бухорий сабоқлари маънавий-маърифий илмий-адабий журнал. Тошкент.2006. 4-сон. Б. 246.



XVI-XVII асрларда Мир Убайд Бухорий (1601-йилда вафот этган) томонидан янги хат «**Насхи Мир Убайдий**» ёхуд «Насхи Бухорий» хати ихтиро қилинади. Бу хат насх хатидан кўра каттароқ ва йирикроқ бўлиб, жозибadorлиги, мўъжизакорлиги билан кишини ўзига мафтун ва маҳлиё этади.

Настаълиқ хати Бухорода кенг ёйилиб китоблар битилди. Хусусан Мавлоно Мир Али Ҳиравий (Фатҳободий) XVI аср бошларида Бухорода яшаб, жуда кўп шогирдлар етиштирадilar. (Қабрлари Бухородаги «Шайх ул-олам» мазорида бўлган.) Уларнинг давомчилари Мирзо Ёдгор, Мирзо Фатҳуллоҳ Мунший, Мирзо Исматуллоҳ Мунший, Домло Бобобек ва бошқалар. Хусусан, Домло Бобобек (XIX аср бошларида Бухорои шарифда туғилган) ўзларининг хаттотлик мактабларини вужудга келтирганлар, минглаб шогирдлар тайёрлаганлар. Ўзларининг ўзига хос настаълиқ хатини ихтиро этдилар. Бухородаги Девонбеги хонақоҳининг юқоридаги ҳужрасида дарс берганлар. Ул зот ҳар бир ҳарфга, унинг ёзилишига табиат гўзалликларидан фойдаланиб, уларни (ҳарфларни) турли исмлар билан номлаб шогирдларига таълим берганлар. Масалан, **ع** (айн) ҳарфига «фамул асад» (шер оғиз), «фамус-суъбон» (илон оғиз), «аззун намла» (чумоли чимдиси); **م** (мим) ҳарфига эса «аждар мим», «хурмойи мим», «ғунча мим», «мими тождор» ва ҳоказолар. Бобобек ҳазратлари хаттотликдан ташқари адрасбофлик ҳунари билан ҳам шуғулланганлар. Ёзган хатларига кўпинча «иштибар», яъни соққачи деб имзо қўйганлар. Хаттоки қалам учини қўллари билан ҳам синдириб ёзганлар. Шогирдлар бундан ҳайратланиб: «Домланинг кароматлари бор», - деб таъкидлашган. Умрларининг охирида кўзлари ожиз бўлишига қарамай хат машқ қилишни тарк этмаганлар, тоғорада қўллари билан лой қилиб, лой устини андава билан шуваб бармоқлари билан хат машқини шогирдларига кўрсатар эдилар. Бир куни шогирдларидан бири ҳазиллашиб: «Устоз, кўзингиз ожиз бўлса ҳам хат машқ қиласизми?»- деганида: «Кўр котиб хат машқи узра бўлди устод, машқ қил, машқ қил кўр бўлгунча», деб жавоб берган эканлар.



Шунингдек, шўролар даврига қадар Бухорода хаттотлик санъати, қолаверса гўзал хат билан таърихлар ёзиш анъана тусини олган эди. Бунга атоқли жамоат арбоби ва моҳир хаттот Мирзо Салимбек ва Ғайбий Вобкандийлар ёрқин далолатдир. Уларнинг ҳасби ҳолларига қисқача назар солсак. “Рукнул-ислом ва ҳомиюл-милла” лақаби билан машҳур Мирзо Салимбек ибн Абдурахимбек нафақат давлат ва жамоат арбоби, балки тарихчи, муҳаддис, факих, шоир, моҳир таржимон ва хаттотлиги билан ҳам танилган шахсдир. Унинг “Кашкўли Салимий¹⁷”, “Таворихи мутақаддимин ва мутааххирин¹⁸”, “Дурратул-воизин¹⁹”, “Аҳодисул-аъмол²⁰” каби китоблари кенг жамоатчиликка маълум ва машҳур.

Таржимонлик Мирзо Салимбек ижодида алоҳида қиррадир. Унинг диний илмлар нуқтадони, араб тили билағони эканлигини машҳур аллома Жалолиддин Суютий қаламига мансуб диний-ахлоқий руҳдаги “Анисул-жалис” номли асарини форс тилига шеърий ўгириб, унга “Жомеъ ул-гулзор” дея ном берган рисоласидан, Расулуллоҳнинг минг бир ҳадисларини шарҳлаб, унга “Аҳодисул-аъмол” деб номлаган китобидан ҳам билса бўлади. У шунингдек, “Каъбул-аҳбор ривоятлари”, “Ҳикояти Абдуллоҳ ибн ал-Муборак²¹” каби тарихий асарлар таржимони ҳамдир.

Мирзо Салимбекнинг халқ орасида “Рукнул-ислом ва ҳомиюл-мулла” номи билан шуҳрат қозониши бежиз эмас. У ўтиб кетган улуғ алломаларимизга алоҳида эҳтиром назари билан қараган, уларга хизмат қилишни ўзига инсоний бурч деб билган. Фикримизнинг тасдиғи ўлароқ, Салимбекнинг бевосита раҳнамолигида ва

¹⁷ ЎзР.ФА. ТДШИ қўлёзмалар фондида ин.2016 рақами остида сақланмоқда. Бу асар 1910 йилдан кейин то инқилобгача Когонда тошбосма усулида чоп этилган.

¹⁸ Бу асар 1910 йилдан кейин то инқилобгача Когонда тошбосма усулида чоп этилган.

¹⁹ Бу асар 1910 йилдан кейин то инқилобгача Когонда тошбосма усулида чоп этилган. 2003 йилда ўзбек тилига таржима ҳам қилинди.

²⁰ Бу асар 1910 йилдан кейин то инқилобгача Когонда тошбосма усулида чоп этилган.

²¹ ЎзР.ФА. ТДШИ қўлёзмалар фондида ин.5729 рақами остида сақланмоқда. Бу асар 1910 йилдан кейин то инқилобгача Когонда тошбосма усулида чоп этилган.



Мирбий Йўлдош Ғиждувоний²² кўмагида Шерободда буюк муҳаддис Имом ат-Термизий, Нурота зиёратгоҳидаги муҳаддислар, жумладан, - Абу Али Ҳасан Нурий, Абу Мусо Имрон Нурий, Абу Муқотил Аҳмад Нурий ҳамда Шофирконда Хожагон тариқатининг улуғ шайхи Хожа Ориф Ревгарийнинг қабр тошлари ва уларнинг мангу оромгоҳларини қайта таъмирлагани у ҳаёти давомида бунёдкорлик ғоялари билан яшаганидан далолат беради. “Рукнул-ислом ва ҳомиюл-милла” унвонига сазовор бўлган бундай саховатпеша давлат ва жамоат арбоби, кўплаб китоблар муаллифи қачон ва қаерда туғилган? У ҳақда нималар биламиз?

У “Мирзо Салимбек 1851 йил (ҳижрий 1267)да Бухоро шаҳрининг Жўйбор мавзеидаги Чақар (Бухорода Чақар номли гузар иккита бўлган: Чақари Чашма Аюб ва Чақари Жўйбор) гузарида амалдор оиласида туғилади. Унинг авлодлари Бухоро амирлигининг юқори мансабларида ишлаган илмли мутафаккир кишилар бўлганлар. 1870 (ҳиж.1287) йилда, яъни 20 ёшида амакиси Абдулазизбий ибн Олимбек додхо ёрдами билан Нарпай ва Зиёуддин беклигига бориб, Останакулбекнинг мирзохонасида мирзолик вазифасида ишлайди. Мирзо Салимбек Зиёуддин беклигида ўзининг билимдонлиги, қобилиятлиги билан тезгина танилиб қолади ва олти ойдан кейин амир Музаффархон уни Тошкентга юборади. Мирза Салимбек Хитой чойи билан савдо қилувчи савдогар ниқоби билан Тошкентда 12 йил яшайди. Унинг вазифаси рус амалдорларининг ишларини кузатишдан иборат эди, бир қанча рус амалдорлари билан яқин алоқада бўлиб, ҳар олти ойда Бухоро амирига келиб ахборот бериб турарган. 1882 (ҳиж. 1299) йилда амир Музаффархон уни Тошкентдан чақириб олади ва у бир неча вақт саройда хизмат қилади. Икки йилдан кейин Туркистон генерал губернаторлиги мансабига Розенбах (1884-1889) тайинланади. Амир Музаффар Розенбахни Тошкентдан Самарқандга келгани муносабати билан элчи вакиллари гуруҳини юборади. Улар орасида Мирза Салимбек ҳам бор эди. Туркистон

²² Мирбий Йўлдош Мирзо Салимбекнинг мирохўр (архитектура ишлари бўйича масъул)и бўлган. Унинг қабр тоши ҳозирда “Хожа Абдулҳолиқ Ғиждувоний” ёдгорлик мажмуида сақланмоқда – А. Раззоков.



генерал губернатори Розенбах Чариковни Бухорога доимий вакил қилиб юборади. Унга жавобан амир Музаффар Салимбекни Тошкентга Бухоро амирининг доимий вакили қилиб жўнатади. Амир Музаффар, агар Тошкентдаги вакилимни чақириб олсам, Россия ҳам ўзининг Бухородаги вакилини чақириб олади, деган фикрга бориб Мирза Салимбекни Тошкентдан чақириб олади. Лекин амирнинг бу режаларининг акси бўлиб чиқди. Россия Бухоро амирлиги устидан назоратни янада кучайтириш мақсадида 1885 йилда императорликни Бухородаги сиёсий агентлиги идорасини ташкил қилади. Энди Бухоро амири сиёсий агентлик ходимларига тамомила тобеъ бўлиб, ҳатто уларнинг розилигисиз ташқи давлатлар билан алоқа олиб бориш ман қилинади, Бухоро давлат чегараларида рус гарнизонлари жойлаштирилади. Бухоро амирлиги ўзининг мустақиллигини тамомила йўқотган ярим мустамлака давлатга айланиб қолган эди. Амир Музаффархон 1886 (ҳиж. 1303) йилда Мирзо Салимбекни Хатфар ва Сомжин туманларига амалдорлик мансабига тайинлайди. Салимбек бу мансабда амир Абдулахадхон тахтга ўтирган йилгача ишлайди. Ундан сўнг элчилар қаторида Петербургга боради. 1889 (ҳиж. 1306) йилда Салимбек Бухоро миршаби лавозимида беш йил хизмат қилади. Ундан кейин Яккабоғ вилоятига беш йил, Нурато вилоятига тўрт йил, Бойсун беклигига икки йил хизмат қилиб, Бухорога келиб додхолик унвони берилади ва Шеробод вилоятига ҳокимлик мансабига тайинланади. Амир Аҳадхоннинг умрининг охириги йилларида Шаҳрисабзда ҳокимлик вазифасида ишлайди. Инқилоб даврида йирик амир амалдори сифатида қамоққа олинади. Бутун мол-мулки мусодара қилинади. Бухоро ҳукумати қарори билан неча амалдорлар қатори Мирза Салимбек ҳам ҳибсдан озод қилинади. Совет идораларида кичик лавозимларда ишлайди. Ниҳоят Бухоро давлат кутубхонасининг Шарқ қўлёзмалари бўлимида ишлайди. 1921 йилда Бухорода “Анжумани тарих” деб аталган Бухоро тарихини ўрганиш жамияти ташкил қилинади. Бу жамиятнинг аъзолари 7 кишидан



иборат бўлиб, булар орасида Мирзо Салимбек ҳам бор эди. Мирза Салимбек 1930 йилнинг мартида Бухоро шаҳрида вафот этган”²³.

Мирзо Салимбекнинг “Рукнул-ислом ва ҳомиюл-милла” бўлганлигига, толиби илмларнинг бошини сийлаб, илмга рағбат уйғотганига шахсан ўзи гувоҳ бўлган марҳум бухоролик машҳур хаттот Қори Абдулазиз (ваф.1982) Мирзо Салимбек ҳақида бир воқеани шундай эслаганди: “Мен тахминан 18-20 ёшда эдим. Мирзо Салимбекнинг ўғли мен билан бирга мадрасада ҳамсабоқ эди. Биз дарсдан кейин ўртоғим билан унинг уйига бир иш билан бордик. Ўртоғимнинг отаси Мирза Салимбекка бир ҳужжатни тезда чиройли хатда кўчириб бериш керак экан. Мен уни дарров ёзиб бердим. Мирзо Салимбек ёзган хатимни кўргач, эвазига бир ҳовуч санамасдан пул бердилар. Уйга келиб ўша пулларни санасам Мирзо Салимбек менга берган пуллар беш йиллик харажатларимга етгулик пул экан. Шундан кейин менинг хаттотликка муҳаббатим ошди. Хуснихатнинг шарофатини, баракотини билдим. Шу сабаб бўлиб, араб ёзувининг бошқа хил хат турларини ҳам ўргандим”.

Албатта, бу каби мисолларни кўплаб келтириш мумкин. Бу бир кичик мисол. Лекин умумий хулоса қилиш мумкинки, Мирзо Салимбек ўз даврида толиби илмларнинг илм таҳсили учун имкониятлар яратиб берган, ҳомийлик қилган, етимларнинг бошини силаган, ўз мансаби имкониятларидан фойдаланиб Ислом равнақи ва халқ манфаати йўлида куч-ғайратини сафарбар қилган.

²³ Мирзо Салимбек. Кашкўли Салимий. Таворихи мутақаддимин ва мутааххирин. /Форс-тожик тилидан ўзбекчага Нарзулло Йўлдошев ўттирган./ Бухоро: “Бухоро”, 2003, 6-9-бетлар. Мирзо Салимбек ҳаёти ҳақидаги маълумотларни ёритишда мазкур асардан фойдаланилди – А.Раззоқов